

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БОЛАЛАР БИЛАН
ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР ВА ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСЛУБИЯТИ**

Касимова Дилрабо Бахадировна

**ТДПУ “Мактабгача таълим психологияси ва
педагогикаси кафедраси” ўқитувчиси**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7214477>

Ҳозирда мактабгача таълим ташкилотида таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини оширишда таълимнинг замонавий усулларидан фойдаланиш жиддий аҳамиятга эга. Буни амалга ошириш учун эса, аввало, педагог-тарбиячиларнинг ўзлари илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта ўзлаштирган бўлишлари керак. Бунинг учун ушбу масалаларни мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари билан бевосита таълим жараёнида ўрганилмоқда. Хусусан, педагогик кенгаш, амалий ва назарий семинар машғулотлари ҳамда маслаҳат-тавсия бериш жараёнида бу масала долзарб бўлиб турибди.

Замонавий педагогик технологияларнинг турлари ва йўналишлари кўп бўлиб, улардан мактабгача таълим ташкилотларда кўпроқ бола шахсига йўналтирилган таълим, дидактик ўйинлар, интерфаол машғулотлар, муаммоли вазиятлар яратиш, лойиҳалаш методи кабилар қўлланилади. Шу жумладан, мактабгача таълим ташкилотида педагогик кенгашлар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишга замонавий ёндашувлардан бири сифатида белгиланган мақсад ва вазифаларга мос келадиган илғор педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан фойдаланиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Булардан ақлий ҳужум ва кластер (тармоқлаш) методлари турли мавзуларда кўпроқ ишлатилиб, турлича талқин этилади. Масалан, кластер усулининг турли мавзуларга мослаштирилган ҳолда қўлланиш шакллари кластер-чамбарак, кластер-овал, кластер-юлдузча, кластер-узум шодаси ва шу кабилардан иборат.

Кластер — бу интерфаол усул ҳисобланиб, педагогик-дидактик стратегиянинг муайян шаклидан иборат. У тарбияланувчиларда фикрлаш қобилиятини кенгайтиришга ёрдам беради. Унда аниқ бир объект танланиб объектнинг турли қирралари очиб берилади ва албатта тарбияланувчиларда психик процессларнинг ривожланишига ёрдам беради. Бунда болаларнинг кўриши, сезгиси, хаёл тезлиги, нутқи ва албатта тафаккури ривожланади. Болалар хаёл килишга, ўйлашга, тасаввур килишга, энг асосийси эса, (хатоми, тўғрими) фикрлашга ҳаракат қиладилар. Бундай машғулотларда иштирокчи-

тарбиячиларни кичик гуруҳларга ажратилади ёки якка тартибда топшириқлар берилади. Берилган топшириқ-мавзулари ёки муаммоларнинг ечимларини топиш учун уларни машғулот раҳбари билан ҳамкорликда педагогик ва психологик нуқтаи назарлардан таҳлил этиб, хулосалар умумлаштирилади. Шундай усуллардан мактабгача таълим муассасасида болалар билан ўтказиладиган машғулотларда қўллаш, тарбиячилар бундай машғулотларни ҳар турли қизиқарли шаклларда ташкил қилишлари мумкин. Шундай машғулотлардан бири мультфильмлар мавзусидаги машғулотларда қўлланиладиган кластер усули - мульткластер бўлиб, бундай ўйин шаклидаги машғулотнинг мақсади болаларни хаёлан тасаввур қилишга, топқирликка, нутқи рафон бўлишига, сўзларни топиб гапиришга, гап тузишга ўргатишдир. Бу интерфаол ўйинда болаларга мультфильм қахрамонлари тасвирланган кластер намоиш этилади ва уларга оддий саволлар шаклида ифодаланган топшириқлар берилади. Бунда уларни ижодий фикрлашга йуналтирилади.

Интерфаол усулларда қўлланиладиган ёндашувлардан яна бири Венн диаграммаси бўлиб, ундан асосан икки ёки ундан кўп тушунчаларни ўзаро қиёслаш, ўзаро таҳлил қилиш, айрим жиҳатларини аниқлаш ва хулосалар чиқариш мақсадларида фойдаланилади. Мактабгача таълим муассасасида ушбу усулдан тарбияланувчилар учун бошқотирма-ўйин шаклида кўпроқ фойдаланилади. Бу ўйинда тарбияланувчиларнинг тарбиячи берган йуналишга мувофиқ берилган мавзу бўйича мустақил фикрлашлари ташкил қилинади. Болалар бир-бирига ўхшаш предмет ва ҳайвон, табиат ҳодисаларининг ўхшаш тарафларини ва асосий фарқларини топадилар, уларнинг асосий белги ва фарқларини ўйин орқали билиб оладилар, уларда мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш кўникмалари ҳосил қилинади. Ушбу ўйин бир-бирини кесиб ўтувчи иккита ёки бир нечта доиралар чизилиб, уларнинг ҳар бири битта тушунча учун ажратилади ва бошқа доира билан кесишган (бир-бирининг ичига кирган) қисмида тегишли тушунчаларнинг ўхшаш ёки фарқли ҳамда бошқа аниқланаётган жиҳатларини ёзиш шаклида олиб борилади.

Интерфаол усулларни қўллаш босқичлари қуйидагилардан иборат:

- тарбияланувчилар гуруҳларга бўлинади, ёзув тахтасига топшириқни бажариш моҳиятини акс эттирувчи схема чизилади ёки А-З форматидаги қоғозда олдиндан тайёрланган схемани осиб қўйиш мумкин.

- ҳар бир бола гуруҳ олдида ўз фикрини айтади, у хато ёки тўғри фикр бўлишидан қатъий назар, тарбиячи буни қабул қилади ва машғулот якунида тегишлича тузатишлар киритади.

Қуйидаги расмда жисмоний тарбия йўналишида бадантарбия машқлари ҳар бирининг бошланишидаги гавданинг дастлабки ҳолати кўринишлари шу машқларни бажариш кетма-кетлигига мувофиқ тартибда айлана-кластер шаклида акс эттирилган.

Бу дастлабки ҳолат ҳаракатларини бажариш орқали болалар кейинги машқларга тайёр турадилар.

1-машқ учун дастлабки ҳолат: Гавда тик турган ҳолатда, қўллармиз белда, оёқлармиз жуфтлаштирилган;

2-машқ учун дастлабки ҳолат: Гавда тик турган ҳолатда, қўллармиз ёнга туширилган, оёқлармиз елка кенглигида очилган жуфтлаштирилган;

3- машқ учун дастлабки ҳолат: тиз чўкиб ўтирган ҳолатда бош кўтарилган ҳолатда, қўллармиз ерга теккизилади;

4- машқ учун дастлабки ҳолат: Гавда тўғри тутилган, оёқларни тиззадан букиб ўтирган ҳолатда, қўллармиз ёнда, бош тўғрига қаратилган;

5-машқ учун дастлабки ҳолат: Гавда олдинга эгилган, бир оз ерга энгашган ҳолда қўллар ерга таянган, оёқлар тиззадан букилган;

6-машқ учун дастлабки ҳолат: ерга ўтирган ҳолатда оёқларни узатиб қўлларимиз ёнда. Амалий тажрибадан маълум бўлдики, таълимнинг инновацион усулларини нафақат педагоглар ва катта ёшли мактаб ўқувчилари билан, балки мактабгача ёшдаги тарбияланувчилар билан ҳам ўтказиш мумкин. Бу орқали болаларда турли вазифаларини осон ўзлаштирадilar, ўрганганларини узоқ муддат хотираларида сақлаб, турли ҳолатларда ўринли фойдаланишга ўрганадилар. Натижада болаларнинг ўзига ишончи оради, мустақил фикрлаш, хулосаларини эркин баён этишга ўрганадилар.